




# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 25 ноябр, шанба №170 (1002)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

# XXI



## АСРГА 36 КУН ҚОЛДИ

Хуб эл била суҳбат тутубон хуб ўлғил,  
Яхшини талаб қилғилу матлуб ўлғил,  
Ширин сўз ила халққа марғуб ўлғил,  
Юмшоқ де ҳадисингнию маҳбуб ўлғил.

Алишер НАВОЙИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА!

Мухтарам Ислам Абдуганиевич! Авваломбор, кўҳна ва буюк цивилизация бешикларидан бири бўлган кўёшли Ўзбекистон заминидан Шарк миниатюра санъатининг беназир намояндаси, буюк мусаввир Камолиддин Бехзод таваллудининг 545 йиллиги тантаналарида қатнашиш бахтига муяссар бўлганимиздан беҳад мамнунлигимизни изҳор қилмоқчимиз.

Мамлакатингиз ҳаёти билан танишар эканмиз, Ўзбекистон мустақил йилларида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ислохотлар йўлидан изчил бориб, ҳавас қилгулик ютуқларни қўлга киритганига шохид бўлдик. Жамиятдаги тинчлик-тотувлик, одамлар қалбидаги буюк келажакка ишонч, ўзбек халқига хос меҳмондўстлик ва бағрикенглик бизни бағоят хушнуд этди.

Энг муҳими, Ўзбекистонда ёш авлодни ҳаётбахш ва эзгу гоёлар, умуминсоний ва миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш, жамиятнинг маънавий-маърифий асосларини мустақамлаш масалаларига устувор аҳамият берилганлиги, бу хайрли ишлар, мухтарам Президент, бевосита Сизнинг раҳнамолигингизда амалга оширилганлиги айниқса қувончлидир.

Биз биламизки, дунё фани ва маданияти ривожига, инсониятнинг маънавий қамолотиغا улкан ҳисса

қўшган буюк аждодлар меросининг қадрланиши, асраб-авайланиши ва теран ўрганилиши авлодлар парвози учун куч-қувват беради.

Ана шундай улғу зотлардан бири бўлган Камолиддин Бехзоднинг ижодий анъаналари барҳаётлигига, Шарку Фарбда мўйқалам соҳиблари учун, Сиз ўз қўлловингизда таъкидлаганингиздек, ибрат ва илҳом манбаи бўлиб келатганига бутун дунё гувоҳ бўлиб турибди.

Камолиддин Бехзод даҳоси, унинг ўлмас асарлари бундан буён ҳам инсониятни гўзаллик ва эзгуликка чорлашига, халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини янада мустақамлашга хизмат қилаверади.

Биз, халқаро илмий анжуман қатнашчилари, мухтарам Президент жаноблари, Сизни ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон халқини қўлга киритилган улкан ютуқлар билан самимий муборакбод этамиз. Мустақиллик ва тараққиёт йўлидан собит-қадамлик билан бораётган саховатли ўзбек халқига тинчлик-омонлик, мамлакатингизга юксак раванқ ва фаровонлик тилаймиз.

**«Камолиддин Бехзод ва Шарк миниатюра санъати» халқаро илмий анжумани қатнашчилари**  
Тошкент шаҳри,  
2000 йил 23 ноябр


**Йўлинг раво бўлса, дилинг чароғон бўлади, дейишади. Зеро, йўловчини хоритган бу қадим йўлларга қайта жон бахш этилиши таҳсинга лойиқ. Кейинги йилларда биргина Сир воҳасида юзлаб чакирим кенг ва раво йўллар барпо этилди.**

Иқтисодий-иқтисодий кўришларнинг бунёд этилиши «Сирдарё-автотўли» давлат акциядорлик жамиятининг улғули катта бўлмоқда. Йўлсозлар меҳнати туфайли обод бекатлар, бежирим чорраҳалар бунёд этилмоқда. Фидоқорона меҳнат муносиб баҳосини топаётди. Масалан, йўлсозлар сардори Назиржон Шосаидов кўксини «Дўстлик» ордени бегади.

— Вилоятимизнинг Сирдарё, Бахт, Гулистон, Янгиер шаҳарларини «Тошкент-Душанбе» автойўли кесиб ўтади, — дейди Назиржон ака. — Мазкур йўналиш бўйича катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Йўл кенгайтирилиб транспорт воситаларининг бемалол катнови таъминланди.

Гулистонга қинғирқийшиқ ва тор кўчалари билан хайрлашиш осон бўлмади. Негаки,

## Фахр СИРДАРЁНИНГ МАФТУНКОР ЙЎЛЛАРИ



шўролар давридаги палла-партишлик, фақат сурбат ординда қувиш ана шу йўлларда ҳам ўз аксини топади. Шаҳарни яшартириш соҳа жонқуярларидан чидам ва матонат талаб этди. Бугун янгитдан яралган «Халқлар дўстлиги», «Ўзбекистон» шох кўчалари таърифу тавсифини келтиришга тил ожиз. Тошкент кўчасида барпо этилган 6 та янги бекат ўз таровати билан шаҳар кўрқига зеб бериб ту-

шиш учун 4 нафар механик ва операторлар хорижда билим олиб келишди.

Йўлсозларнинг шу кунлардаги юмушлари ҳам бисёр. Улар «Гулистон-Мирзачўл» автойўли биринчи тоифали йўлга айлантиришни ўз олдидан мақсад қилиб олганлар. Айни пайтгача 20 километрли масофага тупроқ ётқизиш, йўл кенгайтирилди. Шу йўналишдаги 2 та кўприк қайта қурилди. Жорий йилнинг ўзида Сирдарё шаҳрида 8 километр, Бахт ва Гулистонда 3 километрли йўл фойдаланишга топширилди. Буюк ипак йўлининг вилоят ҳудудидан ўтайдиган қисми юзасидан ҳам бир қатор ишлар режалаштирилган.

**Н.ШАМСИЕВ,**  
**«Ишонч» мухбири.**

**Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар иши бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори Сурхондарё вилоятида қандай бажарилмоқда? Вилоят ҳокимлигида мазкур масалага бағишлаб ўтказилган йиғилишда бу комиссиялар фаолияти кескин танқид қилинди.**

## КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИ ЎРГАНИЛДИ

Ёшлар тарбиясига мутасадди бўлган ташкилот, идора ва жамғармалар амалий иш ўрнига мажлисозлик қилишга ружу қўйишган. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жониятчиликнинг 50 фоиз кўпайгани мазкур комиссияларни жиддий ташвишга солаётгани йўқ.

Ота-оналар, таълим-тарбия муассасалари раҳбарлари, ўз-ўзини бошқариш идоралари ёшлар тарбиясига жамоатчиликнинг масъулиятини оширишга қаратилган тадбирларни кам ўтказмоқда. Бу соҳада прокурорлик назорати ҳам бўшаётганлиги юборилган. Ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш, уларнинг ўқиши ва бўш вақтларини қандай ўтказиб кетгани билан қизиқиш сусти.

Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятида ўзаро ҳамкорлик етишмапти. Халқ таълими, ўрта махсус касб-хунар тизими, «Камолот», «Маҳалла» жамғармалари, ўз-ўзини бошқариш идоралари, жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари, ички ишлар бўлимининг ҳар бири ўз ҳолчида иш олиб бормоқда.

Йиғилишда камчиликларнинг сабабларини жиддий таҳлил этиш, комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

## «ХАЗИНА» ЭГАСИНИ ТОПМОҚДА

Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси томонидан чиқарилган «Хазина-4» лотереялик пул-буом лотереясига қўйилган қимматбаҳо ютуқлар ўз эгаларини топмоқда. Шу ватгача 1 та «Нексия», 3 та «Дамас» ва 4 та «Тико» автомашинаси ва кўплаб турли микдордаги пул ютуқлари ўз соҳибларига топширилди.

Тошкент вилояти Бекобод шаҳрида истиқомат қилувчи Узок Курбонов ҳамда Андижон вилояти Асака шаҳридан Холмирза Маммаджоновнинг омади чопган экан. Улар юз сўмга «Хазина-4» лотереясини сотиб олиб, «Тико» автомашинаси соҳиб бўлдилар.

(ЎзА).

## Шу сонга хабарлар

### КАСАБА УЮШМА ТАШАББУСИ

Тошкентдаги «Мавж» ўзбек-инглиз қўшма корхонаси иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, унинг маҳсулотлари тобора кўпайиб, сифати яхшиланиб бормоқда. Бу ерда ишловчилар мустақам ижтимоий ҳимояга олинган. Уртача ойлик маош 25 минг сўмни ташкил этапти. Эътиборлиси шуки, энг яхши кўрсаткичга эришган меҳнат зарбдорлари ҳар ой якунида маошлари микдорида рағбатлантириладилар.

Яқинда қўшма корхона маъмурияти касаба уюшма кўмитасининг зарарли шароитда ишлаётган меҳнатчиларнинг ойлик маошига 30 фоизли қўшимча иш ҳақи белгилаш ҳақидаги ташаббусини маъқуллади.

**Д.ЖОЗИЛОВ,**  
**«Ишонч» мухбири.**

### ТЕРАКЗОР — ДАРОМАД МАНБАИ

Яккабоғ туманидаги «Ҳисор» жамоа хўжалиги аҳолиси тиниб-тинчимас қалб соҳиб Худойберди отани алоҳида ҳурмат қилади. У кўп йилдан буён ниҳоллар етиштириб, ортиқчасини ҳамқишлоқларига тарқатиб келарди. Отаҳон фарзандларига уй-жой қурганда ҳам ўзи етиштирган тераклардан фойдаланди. Х.Ярашев нафақага чиққандан сўнг муайян вақт томорқа билан банд бўлди. Кўп ўтмай, хўжалик раҳбарларига юзланиб, ташландик ердан беш гектарни ажратиб беришни сўради. Нуруний илтимоси қондирилди.

Фидойи меҳнат туфайли дастлабки йили янги ўзлаштирилган майдонга 6 минг туп терак ниҳоллари экилган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 55 минг тупга етди. Бу катта даромад манбаидир.

**Х.ТЎРАЕВ,**  
**жамоатчи мухбир.**

### КИМ ОШДИ САВДОСИ

Ўзбекистон Республикаси кўчмас мулк биржасининг Андижон бўлими давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда кўчмас мулк иншоотлари, автотранспорт воситалари, яқка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун ер майдонлари ажратиш ва бошқа мулкларни сотишга алоқадор ишларни муваффақиятли бажариб келмоқда. Йилнинг ўтган ойлари мобайнида корхоналар ва фуқароларнинг мулкларини сотишдан ташқари, иқтисодий ночор ва санацияланган 11 та корхонанинг 838 та мулки, бюджетдан қарздор корхоналарнинг 60 та мулки сотиб берилди.

Шу вақт ичида 282 та ер участкаси, 230 дан ортиқ автотранспорт воситалари, кўплаб ташландиқ бог ва тоқзорлар, қурилиши тугалланмаган иншоотлар, савдо ва маъшият хизмат бинолари ким ошди ва биржа савдоси йўли билан сотилди.

**А.КАРИМОВ,**  
**журналист.**



«Коском» тезкор уяли алоқа Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонаси Фарғона вилоятида ҳам ўз фаолиятини бошлади. Айни кунларда «Коском-Водий» корхонаси вилоят марказида 400 нафар абонентга намунали хизмат кўрсатмоқда.  
Суратларда: таърибли мутахассислар А.Жўраҳмаев ва У.Мамасидқов; корхонанинг умумий кўриниши.  
**М.КОДИРОВ** олган суратлар.

## Меҳнаткаш манфаати муқаддас

# «ПАЙ» ПУЛИНИ УНУТМАНГ, УКА!

Ташунган одамнинг садагаси кетсанг арзийди. Икки-уч катнаб осонликча мақсадга эришолмаслигини сезган О.Исмоилов охири «пай пули»ни беришга рози бўлди.

Шундан сўнг раҳбарнинг қовоғи очилди. Ахир 50 минг сўм кичкина пули! А.Юсупов мижозининг аризасини қўлига тутқазар экан виқор билан таъкидлади: — Пулни олиб қолгач,

тўғридаги хонада ўтирган Бахтиёр Қосимов деган йигитга учрайсиз. У киши механик-кассир, омборчи вазибаларини бажаради. Буйруқ чиқиси билан сизга яп-янги «Дамас»нинг калитини топширади.

Олимжон Исмоилов таниш-билишлари, жигарларидан 50 минг сўм қарз олиб, белгиланган вақтда «эгаси»га элтиб берди. Бироқ, учарлар тузоққа илиниб, нима қилишни билмай қолди-

лар. Маълум бўлишича, нуфузли идора раҳбари А.Юсупов мижозларга ўзини фариштадек кўрсатиб, «пулингнизи гаровга пай сифатида олиб қолганмиз. Машинангиз бузилгудек бўлса, шу маблағ ҳисобидан тузатамиз», деб уларни алдаб келган. Бу гап ҳақиқатга тўғри келмасди. Чунки корхона Низомиддиннинг машинаси бўлса, ҳайдовчининг ўзи туза-тиши лозимлиги аниқ-

равшан ёзиб қўйилган. Мижозлар пулига кўз олайтирган, қаллоблик қилиб қанчадан-қанча кишиларни чўв туширган А.Юсупов ва Б.Қосимовлар одил суд олдида жавоб бердилар. Улар ўзлаштирган пулларни давлат хазинасига қайтариш, мол-мулкларини мусодара қилиш ҳақида ҳукм чиқарилди...

**М.АБДУКАРИМОВ,**  
**жамоатчи мухбир.**

# АЁЛГА ЭЪТИБОР АМАЛДА БЎЛСИН

Касаба уюшма ҳаёти

**Мазкур тармоқнинг бошқалардан яққол фарқланадиган жиҳати шуки, енгил, мебел саноати ва коммунал-مائий хизмат корхоналарида асосан хотин-қизлар меҳнат қилишади. Шу боис, вилоят тармоқ касаба уюшма кўмитаси ва бошланғич ташкилотлар аёлларнинг иш шароитларини яхшилаш, уларга имкон қадар кўпроқ имтиёзлар яратиб бериш борасида изчил ҳаракат қилишмоқда.**


«Соғлом авлод йили» дастури доирасида тармоқ кўмитаси ўзининг тадбирлар мажмуини ишлаб чиқди. Унинг бажарилиши раёсат ва плenumларда муҳокама қилиб борилмоқда. Бундан ташқари, тармоқдаги барча меҳнаткашларнинг, айниқса ишчи хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини, қонуний ҳуқуқларини ҳимоялаш, белгиланган имтиёзларни рўйбга чиқариш мақсадида вилоят кўмитаси корхоналарда тузилган жамоа шартномаларига махсус бандлар қиритишни тавсия этгани айтилмоқда. Бундан ишловчиларга иш ҳақи сақланган ҳолда иш вақтини бир соатга қисқартириш, 16 ышгача икки ва ундан ортиқ боласи бор аёлларнинг таътилларида қўшимча 3 кун қўшиб бериш, боласи уч ышга тўлгунгача корхона ҳисобидан қўшимча нафақа тайинлаш, ҳақ тўланадиган ҳомиладорлик ва туғиш таътили мuddатини узайтириш каби бир қанча имтиёзлар белгилаш назарда тутилган. Касаба уюшмаларининг таътиллари ва тавсиялари «Нафис», «Бонанда», «8 Март» ҳиссадорлик жамиятларида, «Самвилгаз», «Исқиклик манба», «Сувоқ» ишлаб чиқариш бирлашмаларида жамоа шартномаларига кири-

қаратилди. Шу мақсадда тармоққа қарашли про-филакторийлар имкони-ятдан кенг фойдаланил-ди. Бу масканда 1300 киши саломатлиги тик-ланди. Тармоқ тасарру-фидаги «Коинот», 3.Эр-гашев номи оромгоҳ-ларда 1318 нафар бола ҳордиқ чиқариб, соғлом-лаштирилишига эришил-ди. Кам таъминланган ва кўп болали оилалар учун болалар оромгоҳларига йўланмаларнинг бир қисми имтиёзли тарзда тарқатилди.

Шу билан бирга, кўмитамиз жойларда ом-мавий, маданий-маъриф-ий тадбирлар ўтказиш-да бош-қош бўлмоқда. Турли саналар муноса-бати билан корхоналар-да учрашувлар, давра суҳбатлари, танловлар уюштирилди. «Нафис» ҳиссадорлик жамияти, «Самвилгаз» ишлаб чи-қариш бирлашмасида ўтказилган бундай тад-бирлар ишчиларнинг ма-даний ҳордиқ чиқариши-да, маънавиятини ри-вожлантиришида алоҳида аҳамият касб этди. Шу аснода илғорларнинг рағбатлантирилиши я-нада таъсирчан тус олди.

Буларнинг боиси шун-даки, вилоят тармоқ кўмитаси ва қуйи таш-килотлар жойларда жа-моа шартномалари ба-жарилишини мунтазам назорат қилиб, муам-моларни ҳал этиш бўйича ўзининг амалий тақлиф-ларини билдириб, унинг амалийлигини таъмин-лашга интилмоқда.

**З. МАМАТҚУЛОВА,**  
Самарқанд вилоят  
енгил, мебел саноати  
ва коммунал-مائий хизмат  
касаба уюшма  
кўмитаси раиси.



## КЎХНАБОЗОРДА ЯНА БИР ЯНГИЛИК

Фориш тумани нафақат Жиззах вилоятининг, балки мамлакатимизнинг энг сўлим гўшаларидан бири - Нурота тоғ тизмаларида жойлашган. Аҳоли дара ва сойликларга сочибли кетган юздан зиёд тоғ қишлоқларида истиқомат қилади. Бу, айниқса, туман соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи Аваз Бегиев. - Бино қурилиши ҳашар йўли билан амалга оширилди, уни жиҳозлаш учун 4,5 миллион сўмлик замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари сотиб олди.

Фориш ширкат ҳўжалигининг беш минг нафар аҳоли истиқомат қилаётган Кўхнабозор қишлоғида қад рoст-лаган янги қишлоқ врачлик пункти туманда фаолият кўрсатаётган ўн учинчи замонавий шифо маскани бўлди, дейди туман соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи Аваз Бегиев. - Бино қурилиши ҳашар йўли билан амалга оширилди, уни жиҳозлаш учун 4,5 миллион сўмлик замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари сотиб олди.

Риштон лак-бўёқ шўба корхонаси мустақиллик йилларида қад рoстлаган. Келгусида ишлаб чиқариш жараёни янада кенгайиб, ойига 500 тонна сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. Корхона мутасаддилари иқтисодиётни юксалтиришнинг ички имкониётларидан унумли фойдаланишга.


**Суратда: корхона раҳбари Б.Бўронов ишчи С.Тўхтасинов билан маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.**  
**Т.ХАМРОҚУЛОВ**  
олган сурат.

Бўстонлик туманидаги ўзбек-америка қўшма корхонасида ишчиларнинг самарали фаолият юритишлари учун қулай шароитлар муҳайи этилган. Барча ишга иходий ёндашганлиги, маҳсулот сифатига эътибор кўчатиш-лиги боис иқтисодий кўрсаткичлар ойма-ой яхшилана-бормоқда. Бу ерда спортнинг футбол турига қўйиш катта. Корхона жамоаси мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келимоқда.

**Суратда: чилангар Ж.Ходиев.**  
**И.ХАСАНОВ** олган сурат.

## ПОРАГА УЧИШМАДИ

Давлат божхона кўмитаси ходимлари мамлакатимиз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, четдан ноқонуний йўллар билан маҳсулот олиб келишга қарши курашда муайян натижаларга эришмоқдалар. Жумладан, кунни кеча Тошкент вилояти божхона бошқармасининг контрабандага ва божхона қоидалари бузилишига қарши кураш бўлими ходимлари тезкор маълумот асосида қўшни Қозоғистондан республикамизга кириб келган юк машиналарини тўхта-тишти. Мол-мулк эгалари божхона ходим-ларига жуда катта миқ-дорда пора беришга уриниб, уларни ўтказиб юборишни сўради-лар. Таклиф бекорга бўлмаган, албатта. Чунки дастлабки ҳисоб-китоблар бўйича автомашиналарга Хи-тойда ишлаб чиқарил-ган 340 миллион сўмлик 97 турдаги қий-им-кечак, пойабзал ортилган эди. Етти нафар юк эга-си тошкентлик Галия Муротова бошчилиги-да бундай катта миқ-дордаги молни божхо-на тўловларини тўла-масдан айланма йўллар билан мамла-катимизга олиб кир-ган. Ушбу ҳолат юза-сидан жиноий иш кўзғатилган. Давлат божхона кўмитаси матбуот хиз-мати бошлиғи Абдим-ўмин Тилововнинг ай-тишича, жорий йил-нинг 10 ойи давомида божхона кўмитаси хо-димлари 12 мингта ана шундай қонунбузар-ликларга чек қўйган ва 2 миллиард 702 мил-лион сўмлик маҳсулот-ни ушлаб қолган.



Тошкент марказий темир йўл вокзали шахримизнинг асосий дарвозаларидан биридан. МДХ давлатларидан ҳам бу масканга ўткинчи (транзит) поездларда ҳар кун миңлаб йўловчилар таширғи бурорадилар. Шу боис халқаро қонунчиликда белгиланганидек, бу ерда Тошкент божхона бошқармасининг 8-пости (бошлиғи Давлат Абдуллаев) фаолият олиб боради.

Божхона жамоасининг асосий вазифаларидан бири — пойтахтимиз орқали хорижга ўтувчи поездлар йўловчиларнинг таъ-қиқланган буюмлар, маҳсу-лотларни ташқарига олиб чиқиб кетишларига йўл қўймасликдан иборат. Шунингдек, ҳаракатдаги хори-жий валюталарнинг қонун-лар доирасидагина олиб ўтилишини назорат қилади-лар. Бунда Ўзбекистон Рес-публикаси Вазирлар Маҳка-масининг «Жисмоний шахс-ларнинг нақд хорижий валю-тани олиб келиши ва олиб чиқиб кетишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1998 йил 20 март қарори асосий дасту-риламал бўлиб хизмат қила-ётир. Урни келганда шунга ай-тиш жоизки, чет эл сафа-рига отланган айрим фука-роларимиз қонунни билмас-лиги ёки билса ҳам нафси йўлида унга амал қилмасли-

# БОЖХОНА ОСТОНАСИДА

ги оқибатида божхона пост-ларидан ўтолмай юзлари шувит бўлаётган ҳоллар уч-раб турибди. Шу муносабат билан ҳукуматимизнинг юридаги қарорининг баъ-зи бандларини эслашиб ўтиш фойдадан холи бўл-мас керак. Инсонларварлик гоёлари-га асосланган бу ҳужжатга кўра резидент (Ўзбекистон фуқароси) 1500 доллар миқ-доридagi валютани эмин-эркин четга олиб чиқиб ке-тишга ҳақли. Агарда унинг маблағи белгиланган меъ-ёр - 1500 доллардан ортиқ бўлса, у республика Миллий ёки Марказий банкига рух-сатнома солиғи тўлайди. Бунда олиб чиқиб кетилаёт-ган маблағларнинг миқдори, сони фуқаро томонидан тўлдирилган декларацияда аниқ акс эттирилган бўли-

## Қонун барча учун баробар

ёримиздан 4600 АҚШ дол-лари, 1100 Россия рубли каби хорижий валюта қим-матликларини яширинча олиб чиқиб кетиш пайтида қўлга тушди. У энг оддий божхона тар-тиб-қоидадини кўпол ра-вишда бузиб, декларацияда ҳеч қандай валютани йўқ, деб кўрсатган. Унга нисба-тан жиноий иш қўзғатилди. Валюталар эса давлат фойда-сига мусодара қилинди. «281-Тошкент-Уфа»

тиб-қоидаларини тушунти-риш, унга қатъий амал қилиш бўйича мунтазам тар-ғибот-ташвиқот ишлари олиб бoрилатгани, радио орқали ахборотлар эълон қилинаётгани фикримиз да-лилидир. Бунинг натижаси-да республикамиз фуқаро-лари томонидан божхона қонун-қоидаларини бузиш ҳоллари ўтган йиллардаги-га нисбатан анча камайди. Бироқ гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ҳаром-ҳарис йўллар билан мўмай пул то-пиш мақсадида жиноий иш-

да тузоққа илинди. Ҳозирги кунда уларнинг қилмишлари юзасидан тергов ҳаракатла-ри олиб борилмоқда. — Божхоначилардан ҳам-иша ўта хушёрлик, изчиллик талаб қилинади, - дейди мазкур пост катта нозира, божхона хизмати капитани Раҳима Тожибоева. — Чун-ки, масъулиятни сал бўлса-да, унутган ходим айби би-лан бебаҳо маданий ва мод-дий бойлигимиз ташқарига олиб чиқиб кетилиши ёки аксинча ташқаридан келти-рилган контрабанда буюм-лари ҳудудимизга кирити-либ, салбий ҳодисаларга сабабчи бўлиши мумкин. Яқинда ўзбекистонлик фу-қаро Қодир А. «Москва-Тош-кент» йўналишидаги поезд-дан тушаётганда унинг қўл юки ичидан 20 килограмм портловчи модда — порох топиб олингани ноziрларимизнинг хушёрлигига мисол бўла олади. Аини пайтда бу нобакор қимсаннинг нима мақсадда жиноятга қўл ур-гани сабабларини ҳуқуқ-тар-тибот органлари атрафлича ўрганмоқдалар...

**Малик НУРИДДИНОВ,**  
**Абдунаби МАННОПОВ,**  
журналистлар.

## ҚИШЛОҚҚА ТАБИЙ ГАЗ КЕЛДИ

Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманидаги Ҳасанқовоқ қиш-лоғида замонавий газ тақсимловчи станция ишга ту-ширилди. Станци-яга газ «Андижон-Хонобод» магист-ралидан келади. Қиймати 300 мил-лион сўмлик бўлган мазкур янги объектни «Олтин водий» фирмаси қурувчи-лари барпо этиш-ди. Жалолқудуқ ту-мани ҳокимининг ўринбосари Абду-ваҳоб Эшмурод-овнинг гапига қараганда, ушбу объектнинг ишга туширилиши 20 та қишлоқни газлаш-тириш, келгуси йил охиригача ту-мандаги барча қишлоқларни та-бий газ билан таъминлаш имко-нини беради.

**(ЎЗА).**

## Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир СИҲАТГОҲЛАРГА УЧ ЮЗТА ЙЎЛЛАМА

Ҳўжалигимиз ҳар йили пахта ва бошқа қиш-лоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш бўйича шартномавий режаларини ошири билан бажара-ди. Масалан, бу йил давлатга ҳар гектардан 40 центнердан ошмиқ пахта хомаёши сотилди. Ҳўжалик ерлари ширкат аъзоларига оила пуд-рати асосида бўлиб берилган. Ерга эгалик ҳисси ошганлиги туфайли ҳар бир пудратни ўртача 450-500 минг сўм даромад олди. Ҳисобчиларнинг айтишича, ҳўжаликнинг жорий йилдаги соф фойдаси 100 миллион сўмдан ошар экан. Бу эса ўз навбатида қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш, кам таъминланган оила-ларни қўллаб-қувватлаш имкониини яратади. Жамоамиздаги кам таъминланган 73 нафар оилага 3,5 миллион сўмлик моддий ёрдам қил-дик. Меҳнатчиларнинг 300 нафарга яқини турли сиҳатгоҳларда беғул дам олишлари ва давола-нишлари таъминланди. Уларнинг маданий ҳор-диқ чиқаришлари учун шароит яратилган. Ҳўжа-ликда ишлаб, ногиронлик нафақасига чиққан 2 нафар фуқаронинг ҳар бирига ойига 7 минг сўмдан пул тўланмоқда. Ҳўжалик ҳудудидаги 8 та қишлоқда 18 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Бу қишлоқларнинг ҳаммаси юз фоиз табий газ би-лан таъминланган. 87 фоиз хонадонга эса тоза ичимлик суви келтирилган. Аини чоғда қолган ҳудудларга ҳам обиҳаёт қувурлари тортиш иш-лари ниҳоясига етай деб қолди.

**Мирзо ҚОРАБОВ,**  
Сариосиё туманидаги «Дашнобод» ширкат  
ҳўжалиги касаба уюшма кўмитаси раиси.

## ТўХТАТИЛДИ

ларга қўл ураётганлар ҳали оз эмас. «199-Тошкент-Иркутск» йўналишидаги поезд йўлов-чиларини кўрик-тектирув-дан ўтказиш жараёнида Ҳабибулло Р. деган шахс колбаса маҳсулоти ичига кучли таъсир этувчи нарко-тик модда - героинни яшир-гани фош этилди. «281-Тошкент-Уфа» поезди йўловчиларидан бири Нарзи-за Р. белига боғланган мах-сус белбоғда 1 килограмм соф героинни олиб ўтаётган-



27 ноябр — 3 декабр

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ ДУШАНБА, 27

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Тахлилнома» 8.45-9.00 «Экспедиция»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр тонги»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00, 20.00, 23.15, 1.10 «Пойтахт»... 1.35-1.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

СЕШАНБА, 28

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

12.45 «Эстрада тароналари»... 19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар.

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Пойтахт»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00, 20.00, 23.15, 1.25 «Пойтахт»... 1.35-1.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЧОРШАНБА, 29

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

23.30 «Ахборот»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Пойтахт»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00, 20.00, 23.15, 1.20 «Пойтахт»... 1.35-1.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ПАЙШАНБА, 30

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

14.10 «Хуқуқ сабоқлари»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Пойтахт»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00, 20.00, 23.15, 1.20 «Пойтахт»... 1.35-1.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ПАЙШАНБА, 30

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

22.10 «Муҳаббат тарихи»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ЖУМА, 1

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ШАНБА, 2

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00, 20.00, 23.15, 1.20 «Пойтахт»... 1.35-1.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

23.45 Оханглар ва эълонлар... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Пойтахт»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00, 20.00, 23.15, 1.20 «Пойтахт»... 1.35-1.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00, 20.00, 23.15, 1.20 «Пойтахт»... 1.35-1.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

11.50 «Ешлар кучасида»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ЯКШАНБА, 3

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00, 20.00, 23.15, 1.20 «Пойтахт»... 1.35-1.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00, 20.00, 23.15, 1.20 «Пойтахт»... 1.35-1.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр»... 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.



Бизга хамроҳ, «Мультимоша»...

Юртимиз шифо масканларида



Шифокорлар билан ўзаро суҳбат жараёнида "юрагингиз яхши, худо хоҳласа узоқ умр кўрасиз", деган сўзларни эшитасиз. Чиндан ҳам инсон яхши ҳаёт кечириши, хушчақчақ бўлиши учун аввало унинг юраги бақувват бўлиши керак. Шу маънода пойтахтимиздаги 15-шифо маскани сифатида танилган кардиология ва неврология марказининг ўрни алоҳида бўляпти. Бу ерда 150 ўринли ётиб даволанадиган ҳамда 110 ўринли кундузги бўлимлар мавжуд. Эйтиборлиси шуки, марказ энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган. Шифокорларнинг ақсариёти юқори малакали. Улардан 16 нафари

ЮРАКНИ АСРАНГ



фан доктори, 40 нафари тиббиёт фанлари номзодларидир. Бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда шифо масканида 40 ўринли пуллик бўлим

масалаларига сарфланмоқда. Ўз касбининг фидойилари ҳақида гап кетганида доцент Бахтиёр Холматов, қўли энгил шифокор Тўлқин Зуфаров, ҳамширалардан Дилором Широнова, Мавжуда Юнусова, Мамлакат Ристолаеваларнинг номи алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. Уларнинг саъй-ҳаракати билан қанчадан-қанча беморлар дардларига шифо топишмоқда.

Х.АБДУЖАЛИЛОВ. Суратларда: Кардиология ва неврология маркази ҳаётидан лавҳалар.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

Ногиронлар мусобақаларда

ШИОРИМИЗ: МУСТАҲКАМ ИРОДА, ҒАЛАБА

— Ногиронларимиз жаҳон миқёсидаги қандай мусобақаларда муваффақиятларга эришмоқда?

— Бу йилги энг катта ютуқларимиздан бири шу бўлдики, 27 майдан 4 июнгача Нидерландиянинг Гронинген шаҳрида ақли заиф ногиронлар ўртасида ўтказилган Европа махсус Олимпия ўйинларида илк бор қатнашимизга қарамасдан мусобақалардан медаллар шодаси билан қайтдик. Жумладан, ҳамюртимиз Артур Нуриев 50 ва 100 метрга сузиш баҳсларида 2 та олтин медални қўлга киритди. Теннис бўйича мусобақаларда Азиз Қодиров олтин, Шуқурулло Тўхтаев кумуш медал соҳиблари бўлган бўлса, Луиза Шомухиддиновага тўртинчи ўрин насиб этди. Аралаш жуфтликлар баҳсида А.Қодиров, Л.Шомухиддинова иккилиги тўртинчи, А. Қодиров, Ш.Тўхтаев жуфтлиги бешинчи ўринни эгаллади.

моаси жаҳон чемпионатининг кумуш медалини қўлга киритди. Константин Якунин эшитиш қобилиятини йўқотганлар ўртасида энгил атлетика бўйича олимпия ўйинларининг голиби, Пўлат Жўраев икки қарра олимпия чемпиони ҳисобланади. Руслан Янбулатов ва Надежда Кузиналар эса стол теннис бўйича Марказий Осиё ўйинлари чемпионлари бўлишган. Куни кеча кар-соқов ногирон спортчилар ўртасида Осиё-Тинч океани минтақаси ўйинлари якунланди. Унда йигирма уч мамлакат спортчилари қатори бизнинг футбол ҳамда волейбол жамоаларимиз ҳам иштирок этди. Ушбу ўйинларда

йўл очди. Волейболчиларимиз ҳам муваффақиятли қатнашиб, тўртинчи ўринни эгаллаб, ўз юртиларига ёруғ юз билан қайтишди.

Хозирги кунда АҚШнинг Сиэтл шаҳрида ампутантлар ўртасида футбол бўйича жаҳон биринчилиги беллашувлари давом этмоқда. Унда ампутант-ногиронлар-жаҳон фестивалида голиб чиққан «Байналмилал» жамоамиз ҳам қатнашмоқда. Ўйлаيمизки, икки қарра жаҳон чемпионлари бўлмиш «Байналмилал» яна совриндорлар сафидан ўрин олади.

— Келгуси режалар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Декабр ойида Халқ-

Энг муҳими, иложи борича кўпроқ ташкилотларни жалб этиб, уларнинг ёрдамига таянган ҳолда ногиронлар учун махсус машғулот ўтказиш ускуналари ўрнатилган спорт

базасини бунёд этишга киришиш режаларимиз бор.

— Амалга ошираётган кенг қўламадаги ишларингиз албатта таҳсинга сазовор. Бундай юмушларнинг катта маблағ талаб қилиши табиийдир. Айтинг-чи, Ўзбекистон ногиронлар спорт ассоциацияси фаолиятга қайси ташкилотлар яқиндан ёрдам бермоқда?

— Бизни авваломбор давлатимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Шунингдек, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси маблағ, ҳакамлар, мутахассислар, анжом ва ускуналар томонидан беқиёс ёрдам курсатмоқда. Республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Қамолот» жамғармаси, «Ўзбектуризм», «Шарқ аёллари» халқаро аёллар жамғармаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, «Тошкент-сут» ҳиссасдорлик жамияти каби саховатли корхона ва ташкилотлар, бокс, эркин, юнон-рум кураши, дзюдо федерациялари ҳам ўз қўмақларини ашмаяпти.

Биз жамоат ташкилоти бўлганимиз сабабли ўзимизни ўзимиз маблағ билан таъминласак, нур устига аъло нур бўларди. Энг муҳими, тadbirkorлар билан ҳамкорликда ишлашимиз учун барча имкониятларимиз мавжуд. Агар ана шу имкониятларни ишга солсак, ногиронларни жалб этган ҳолда тadbirkorлар билан ҳамкорлик қилсак, ногиронлар учун ҳам қўшимча иш жойлари ташкил этиларди, ҳам спортимиз янада ривожланарди.

Юрагиде ўти бор, қалби меҳр-муруватга тўлиқ инсонлар, корхона ва ташкилотлар мутасаддиларида бизга қўмак бериш нияти туғилса, Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 1-уй, 424-хонага мурожаат этишларини сўраб қолардим.

Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди.



футболчиларимиз сермахсул ўйин кўрсатиб, ишқибозу мутахассисларда катта таассурот қолдирдилар. Чунонки, кучли жамоалар жой олган биринчи гуруҳда беллашган «чарм тўп» усталаримиз Малайзия футболчиларини 7:1, қувайтликларни 6:1 ҳисобида ютиб, эронликлар билан 0:0 ҳисобида дурангга келишдилар. Непал жамоаси билан ўтган охириги ўйинда эса жамоамиз 28:0 ҳисобида ғалаба қозониб, рекорд натижага эришди.

Фақат ярим финал ўйинида Саудия Арабистони футболчиларига ютқазиб қўйган вакиллариимиз учинчи ўрин учун кечган баҳсда қозогистонликларни 3:0 ҳисобида енгиб, бронза нишонини соҳиб бўлишди. Жамоамиз ҳужумчиси Ҳақимжон Аҳмедов олтин ўйинда 18 та тўп киритиб, турнирнинг энг сермахсул тўпураи бўлди. Футболчиларимиз эгаллаган учинчи ўрин эса 2001 йилда Италиянинг Рим шаҳрида ўтказиладиган XIX Бутунжаҳон кар-соқов ўйинларида иштирок этиш учун

аро ногиронлар кунига бағишлаб Давлат спорт қўмитаси билан ҳамкорликда «Жасорат-Ирода-Ғалаба» шиори остида 11 та спорт тури бўйича республика мусобақаларини ўтказиш режалаштирилмоқда. Унда барча вилоятлардан 400 га яқин турли ногирон спортчиларимиз иштирок этиши кутилмоқда.

Келгуси йилда ҳам имкон қадар халқаро мусобақаларда кўпроқ қатнашиб, Ўзбекистон ногиронлар спортини янада ривожлантириш, нуфузли халқаро жамиятларга аъзо бўлиш ниятимиз бор. Паролимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган мусобақаларда иштирок этиб, лицензияларни иложи борича кўпроқ қўлга киритишга ҳаракат қиламиз.

...Абдурахим ака билан ногиронлар спортининг ютуқ ва муаммолари, истикболлари тўғрисида узоқ суҳбатлашдик. Ва агарда саховатли тadbirkorларимиз ногиронлар спортини ривожлантириш ишига баҳоли қудрат ўз ҳиссаларини қўшсалар, ўйлашимизки, бу борадаги ютуқларимиз янада кўпайишига, қолаверса, бу катта савоб ногиронларнинг ўқсик қалбларига малҳам бўлишига ишонч ҳосил қилдик.

Биласизми?

НОВОКАИННИНГ КАШФ ЭТИЛИШИ

Доривор моддаларнинг танага таъсирини ўрганувчи олим В.Анреп бундан юз йилча илгари тажриба ўтказиб, кокаин эритмасини тери остига юборди ва укол қилинган жойнинг усти қарақ бўлиб қолишини аниқлади. Шу тарихда тиббиёт оғрик сездирмайдиган янги дорига эга бўлди. Бора-бора кокаиннинг бозори чаққон бўлиб, кока ўсимлигининг барги тиббиёт эҳтиёжини қондира олмай қолди. Бунда тиббиётга кимё маддакорлик қилди. Немис кимёгари А.Эйнгорн 13 йиллик изланишлари натижасида кимёвий тузилиши кокаинга яқин, аран ва тез қор қиладиган янги новокаин дорисини ҳосил қилди. Новокаиннинг зар

ҳарлиги кокаинга нисбатан кам. Юқоридаги тадқиқотлар бошқа доривор моддаларни ҳам ҳосил қилиш имконини берди. XIX аср охирида пиразолон бирикмаси ҳосиласидан пирамидон, аспириин ва аналгин дорилари олинди. Бу дорилар кўтарилган иситмани пасайтиришдан ташқари, ялғиланиш ва оғрикни қолдириш хусусиятига ҳам эга. Шунинг учун бош, тиш, бўғин ва мушаклар оғриганда бу дорилардан ичилади. Кейинги йилларда пиразолоннинг яна янги ҳоссалари, жумладан, бутадон деб аталган дори олинди. Пиразолон ялғиланишни қолдиришда яхши ёрдам беради. Шу сабабли у бодни ва бўғинлардаги турли ўсмааларни даволашда кенг қўлланилмоқда.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

Қадриятларимиз ЖИКОЯТ

Дейдиларки, бир золим одам камбағалларнинг ўтинларини арзонга олиб, бойларга қимматбаҳода сотар эди. Бир қор виждон одам уни кўриб деди: **Нинч бало, олимнисан, кўрганингни чақасан, Бойқушимсан, қайси ерга қўнсан, уни йқасан? Сен-ку зулмингни бизга қилсан, Шундай қилолмайсан қодир ҳудога. Ерда-ку зулмингни элга қилсан, Уларнинг қарғиши ўрлар самога.**

Золим бу сўзга эътибор бермади, даргазаб бўлиб, қош-қовоғини уйди, қулоқ солмади. Бир куни кечаси ошхонасидан бир учқун чиқиб, ўтинхонасига тушди. Золимнинг бутун бор-бисоти ёниб кетди. Унинг роҳат тўшаги ўрнида култупа пайдо бўлди. Иттифоқо, халиги пок виждон одам золимнинг уйи ёнидан ўтиб борарди. Золимнинг ўз ошналари: «Билмадим, бу ўт менинг саройимга қаердан тушиди экан?» деган саволини эшитган бояги азиз киши: «Фақирлар қалбидан чиққан оҳнинг ўтидан», деди.

Дилни аралама оҳидан чўчи, Бу яра бирор кун сиртга тепади. Бирорта кўнглига бермагил озор, Жаҳонни ўртатга бир оҳ этади. (Савдийнинг «Улистон» китобидан).

«ЗАРУ ЗАРГАР-2000»

Шу йилнинг 27-29 ноябр кунлари Тошкентда ўтказиладиган «Зару заргар-2000» халқаро кўргазмасидан қўланган мақсад хорижий ҳамкасблар билан алоқани йўлга қўйиш, мавжуд ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, миллий заргарлик мактаби анъаналари билан халқимиз ва хорижий меҳмонларни таништиришдан иборат. Миллий матбуот марказида кўргазма ташкилотчиларининг журналистлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Мазкур кўргазма Ўзбекистон Бадиий академияси, Дизайнерлар халқаро уюшмаси, Ўзтелерадиокомпания ҳамда Молия вазирилик ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар қўмитасининг Давлат проба палатаси ташаббуси билан уюштирилмоқда. «Зару заргар-2000»да қазилмаларни ўзлаштириш ва қон саноати корхоналарини таъмирлаш бўйича инвестицион тактифлар, геологик тадқиқот учун зарур асбоб-ускуна ҳамда технологиялар, қимматбаҳо тошли зеб-зийнатлар, заргарлик ишлови берилган соатлар, миллий хунармандлик буюмлари билан танишиш мумкин бўлади. (ЎЗА).



МАҚТАГАН ТЕЛЕВИЗОРНИНГ ИЗ РЕКЛАМАДАН БОШҚА НАРСА КўРСАТМАЯПТИ-КУ!

А. Ҳақимов чизган сурат.

Жиноятга жазо муқаррар

ТУНДАГИ ҚОТИЛЛИК

Тақасалтанлик ҳеч қачон яхшилик келтирмайди. Бунга ҳамма яхши билади. Лекин... Бўстон қишлоғилик Умид Рўзиматов ҳам тоғни урса талқон қиладиган кучи бўла туриб, ҳалол меҳнат билан ризқ топишни ўзига эп кўрмади. Ун гулидан бир гули очилмай, жиноятга қўл урди. Кўзига нур, қалбига зиё бағишлаган, хунар ўрганган даргоҳига хиёнат қилди. Ҳамтовоғи Абдуқаҳҳор Абдуразоқов билан Ўрмонбек миллий касб-хунар лицейидан икки дона 70000 сўмлик «Чайка» русумли тикув машинасини ўғирлаб, арзон гаровга пуллаб юборди. Чўнтакларни пулга тўлгач, икковлон кайф-сафо,

айш-ишратдан бўшашмади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай зим-зиё тун оғушида яна икковлон бўлиб ўрганган жойлари — ўқув масканида пайдо бўлишди. Абдуқаҳҳор қўлидаги мих сугургич билан тикув машиналари жойлашган хунар ўргатиш хонасининг эшигини бузди. Гўё ҳаммаси ҳамирдан қил сугургандек бораётганди. Бироқ, қоровул Дилмурод Ҳошимов ҳам анойилардан эмас. Уғирлик устида жиноятчиларни қўлга туширди. Э, воҳ, ишлари чаппасидан кетган ўғирлар талваса ичида янада оғирроқ жиноятга қўл урдилар. Умид қўлига темир мих сугургични олиб, қоровулнинг бошига тушурди. Д.Ҳошимов шу жойдаёқ ҳаёт билан видолашди. Изни йўқотиш мақсадида жиноятчилар тагин-да ваҳшийлашиб, мурдани ёқиб юборишди... Ажал қалами ёзмишини ёзиб бўлганди. Нобакор кимсаларнинг қилмиши бир бегуноҳ оила бошига гам ва ташвиш келтирди. Оиладаги не-не орзуларнинг рўёбга чиқишига зомин бўлди. Жиноятчилар-ку тоғлиб, тегишли жазосини олди. Аммо бевақт ҳазон бўлган бир кимсаннинг

умри-чи? Уни қайтариб бўладими? Ана шу воқеага дахлдор яна бир фикр, яъни содир этилаётган жиноятчилик, ўғирлик ва шу каби ножоиз хатти-ҳаракатлар замирида ёшлар тақдирига нисбатан бепасанд муносабат ётмаганмикан? Айни шу масала билан қизикилганда, туманда бир қанча ёшлар ижтимоий меҳнатга жалб этилмаётганлиги равшан бўлди. Ҳўш, ёшлар олдида қўндаланг бўлаётган бу муаммони ким ҳал этади? Ахир, барча иллатлар мана шундай лоқайдлик ва камҳафсалалик оқибати-ку... Нодирбек КОМИЛОВ.

АЖОЙИБ — ҒАРОЙИБ
• Чикаго касалхонасида Уоррен Дрирининг юраги операция қилинганда, 1080 литр донор қони қуйилган.
• 1951 йилнинг феврал ойида америкалик Дороти Стивенеттнинг Чикаго шаҳри кўчаларининг бирида ҳолисизлиб ётган еридан тоғиб олишди. Унинг ҳарорати 16 градуни кўрсатарди, лекин шунга қарамай у тирик қолган.
• 20 ёшли канадалик Джон Джибуоннинг юраги 3 соат 32 минут тўхтаб қolib, яна қайта урган.
• Лондон касалхонасида 80 ёшли аёлнинг буйраги операция қилинганда, ундан 6 килограмм 294 граммлик тош чиққан.
Кидирбўи Тўлабоев тайёрлади.
Республика Агрисаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси шу қўмитанинг меҳнатқашлар ҳуқуқий манфаватларини ҳимоя қилиш бўлимининг ҳуқуқ нозир Рамзжон Худойбердиевга волида муҳтарамаси
Орзуғул аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.